

*Ш.Х.Хақназаров**Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси*

Жабрланувчи, гувоҳ ва судланувчини хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби

Аннотация: Мазкур мақолада Жабрланувчи, гувоҳ ва судланувчини хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби таҳлил қилинган. Бундай хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби исботлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки ишни кўришнинг тўлиқлиги ва холисона бўлиши билан бирга, одил судловни хавфсиз амалга ошириш мақсади ҳам ҳисобланади. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Қалит сўлари: жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоя қилиш, хавфсизлик, самарадорлик, исботлаш, асослар ва тартиб, жиноят процесси.

Янги Ўзбекистонда жиноят процессида хавфсиз иштирок этиш масаласи жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, давлатнинг диққат марказидадир. Жиноятчиликка қарши курашиш масаласи ҳар қандай суд-тергов органнинг марказий вазифалардан бири ҳисобланади, дарҳақиқат одил судловни амалга оширишда жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг кўрсатмаларини исботлаш воситаси сифатида муҳим саналади. Жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмалари кўпчилик жиноят ишларида асосий далил манбаи ҳисобланади, чунки жабрланувчининг, гувоҳнинг кўрсатмалари содир этилган жиноят ҳолатлари бўйича дастлабки тергов ва судни хулосаларига таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш жиноят процессуал қонунчилигининг самарали фаолиятини ташкил этувчи элементлардан бири эканлигини таъкидлаш мумкин. Шунини эътироф этиш керакки, жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш механизмини қўллашдан оғишиш, қонунчилик мақсад ва принципларини ишламаслигига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг нутқлари ва қабул қилаётган қарор,



фармонларида ушбу масалалар доимий равишда диққат-эътибордадир¹⁵ ва бинобари ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда мавзуни мазмун-моҳиятини тадқиқ қилиш зарур деб билдик ҳамда мавжуд қонунчилик ва доктринал ёндашувларни ўрганилишини долзарб деб ҳисоблаймиз.

Миллий қонунчиликда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлашнинг процессуал асосларига тааллуқли айрим нуқсонларни кўриш мумкин. Ушбу нуқсонлар нафақат ташкилий-ҳуқуқий хусусиятга, балки назарий характерга ҳам эга.

Эътиборлиси шундаки, жиноят процесси иштирокчиси бўлган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг одил судловни рўёбга чиқаришдаги ҳиссаси улкан ҳисобланади ва шу боис уларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилинишни таъминлаш давлатнинг ваколатли органлари вазифасидир. Жиноят процесси иштирокчиларни ҳавфсизлигини таъминлашнинг умумий қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ички идоравий ҳужжатлар талаби асосида турли хил ҳимоя чоралари ва уларнинг қўллаш механизмларини назарда тутлади.

Демак, амалдаги ЎЗР ЖПК жиноят процесси иштирокчиларини муҳофаза қилувчи баъзи қоидаларини ўрнатади, ва иштирокчиларни ҳавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш йўлида биринчи зарур қадам ҳисобланади. Бироқ, иштирокчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунчалар ва қабул қилинган қонунлар юридик фанидаги янги йўналиш бўлиб, ҳозирда илм-фанда уларни тартибга солиш бўйича тегишли механизмлар, усул ва методлар шакллантирилмоқда. Шу ўринда, суд-тергов амалиётида иштирокчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга доир

¹⁵ “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.10.2016 йилдаги ПФ-4850-сон. “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон.



давлат кафолатлари ва жиноят процессуал чораларини амалга ошириш бўйича жиддий муаммолар ҳам мавжуддир¹⁶.

Судьялар, терговчилар, тингловчилар ҳамда адвокатлар ўртасида (жами 300 нафар) ўтказилган сўровда 71,2% жиноят процессида шахсларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ мақоми кенгайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатишган (диссертация ишининг 2-иловасига қаранг).

Ҳуқуқшунос-мутахассис Д.Б.Базарованинг фикрича, процессуал кафолатларнинг аҳамияти процесс иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ўз ҳуқуқларини реал тарзда амалга ошириш имкониятини таъминлашга қаратилган. Аслида, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини таъминлаш одил судловнинг энг муҳим шарти бўлиб, қонунийлик асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади¹⁷.

Мамлакатимиз миллий қонунчилигида белгиланган жиноий процессуал хавфсизлик чоралари (ЎЗР ЖПК 18, 270, 380-моддалар) ва (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон) жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун шулар жумласидандир, бироқ ушбу хавфсизлик чораларини қўллаш суд-тергов амалиётида турлича талқин этилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу хавфсизлик чораларини қўллаш зарур шартлари турли хил бўлганлиги, шу жумладан, хавфсизлик чораларини қўллаш тартибининг сабаблари ва асослари масалалари, кўплаб назарий ва амалиётчи олимлар диққат-эътиборини тортиб, муҳокамаларга ҳам сабаб бўлмоқда. Қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган регламентнинг йўқлиги, суд-тергов органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлмоқда.

Қонунчиликда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича бўшлиқлар тўғрисида ҳуқуқшунос-олим Л. В. Брусницининг фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, “қонун ижодкорлиги доирасида нормаларни

¹⁶ Пўлатов А. С. Жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мақоми ва уни такомиллаштириш масалалари: Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ТДЮИ, 2022. – Б.3.

¹⁷ Базарова Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Диссер...док.юрид.наук (DSc). Т., ТДЮИ, 2022. С. 25.



бир бутунликка боғлайдиган умумий фундаментал концепция қабул қилиш кераклиги, қонунчиликда мавжуд қоидалар ва суд-тергов амалиётида хатоларни бартараф этиш ва янги хатоларга йўл қўймаслик учун шакллантирилаётган концептуал қоидаларида ушбу муаммоларни ҳисобга олиш зарур”¹⁸.

Дарҳақиқат, бизнинг миллий жиноят процессуал қонунчилигимизда хавфсизликни чоралари билан боғлиқ масалалар очик қолган ва бир қатор ҳуқуқий саволларга жавоб бериш керак деб ўйлаймиз. Ушбу масала юзасидан жадаллик билан қонунлар қабул қилиш лозим, акс ҳолда одил судловни рўёбга чиқаришда кўмаклашувчи иштирокчини йўқотиб қўйишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, инсон ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминланганлиги деганда, “конституция ва қонунларида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари мустаҳкамланганлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида уларга оғишмай риоя қилганлиги ва барқарор амалга ошириш ҳамда ҳуқуқуқий ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар, кафолатлар яратилганлиги тушунилади”.

Илмий адабиётларда ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон хавфсизлигига оид турли кўплаб атамалар ишлатилади, бинобарин “таъминлаш”, “муҳофаза қилиш”, “ҳимоя қилиш” шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, юқорида келтирилган атамалар “инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ташкил этувчи бир-бирига яқин ва бир умумий маънога билдирадиган сўзлар ҳисобланади. Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кўриқланадиган асосий объект сифатида эътироф этилсада, аммо уларни рўёбга чиқаришда мақсад ва мазмуни жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Ҳақли равишда, россиялик ҳуқуқшуном олим Н.И.Матузов фикр билдиради. Унинг нуқтаи назарича, “шахс ҳуқуқлари доимий равишда муҳофаза қилинади, унинг ҳуқуқлари бузилган тақдирдагина ҳимоя қилинади”¹⁹. Олимларнинг фикрича, муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш иборалари ўртасидаги нисбат уларнинг

¹⁸ Брусницын Л. Проблемы формирования российского законодательства о защите лиц, содействующих уголовному правосудию // Государство и право. 2004. №2. С. 32.

¹⁹ Матузов Н.И. Правовая система и личность. Саратов. 1987. с. 130—131



мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил баҳоланади²⁰. Бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳимоялаш тушунчаси муҳофаза қилиш тушунчасига нисбатан торроқ мазмунга эгаллигини фирк билдиришган²¹. Д.Тўраеванинг фикрича эса, муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш тушунчалари бири-бирига мутаносиблиги ва муҳофаза қилиш тушунчаси ҳимояланишни ўз ичига олганлиги ёхуд таркиб топган²².

Бизнинг фикримизча эса, муҳофаза биринчи навбатда, инсон ва фуқароларни ҳуқуқлари бузилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимига қаратилганлигида намоён бўлади. Жумладан, ЎзР Конституцияси 22-моддасида ўз фуқароларини ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тўғрисида мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, миллий жиноят процессуал қонунчилигимизда инсон ва фуқароларни муҳофаза қилиш асосий принциплардан бири эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Демак, муҳофаза қилиш (фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини) умумий конституция ва қонунлар билан белгилайди, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда эса, уни жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик билан ҳимоя қилади.

Жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш учун маълум бир шартлар, сабаблар ва асослар мавжуд бўлиши лозим.

Айнан шу масалада ҳуқуқшунос-мутахассис У.А.Тухташева, жиноят процессида қонунийлик ва асослигини таъминлашда процессуал кафолатлар муҳим рол ўйнашини, булар процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган жиноят процессининг вазифаларини бажариш, ва адолатли одил судлов учун шарт-шароит яратувчи воситалардан бири эканлиги таъкидлаган. Жиноят процессуал

²⁰ Мартыненко Н.Э. Совершенствование уголовно-правовой охраны потерпевшего – задача уголовной политики Российской Федерации // Труды Академии управления МВД России. 2015. –№3 (35). –С.12.

²¹ Бутылин В.Н. Институт государственной правовой охраны конституционных прав и свобод // Российской право. 2001. – №12. – С. 17.

²² Тўраева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. юрид. фан. номз. диссертацияси. –Т., ИИВ Академияси. 2020. –В.35.



қонунчилигидаги принципларга суд-тергов ишининг қонунийлиги ва асосли ҳал этилишининг муҳим кафолати сифатида қаралади²³.

Фуқароларни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик чораларини қўллашнинг умумий (принципларини) асосларини ЎзР ЖПК 18-моддаси белгилайди, шунингдек жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ёки қариндошлари ҳаёти, мол мулкига, ёйинки ўзга ғайриҳуқуқий ҳаракатлари билан таҳдид қилиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ваколатли давлат органлари томонидан хавфсизлик чоралари қўллаш бўйича фақат ЎзР ЖПК 270-моддаси дарак беради, аммо ушбу моддаларнинг мазмунида афсуски, хавфсизликни чораларини қўллашнинг асослари ва сабабларининг ҳеч бўлмаганда тахминий рўйхати аниқ кўрсатилмаган, бундан ташқари Қонуннинг 16-моддаси номланишида (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон) хавфсизлик чораларини қўллаш асослар деган жумладан фойдаланилган, агар жиноят-процессуал кетма-кетликка ўхшаш тарзда санаб ўтиш керак бўладиган бўлса, ЖПКнинг 322-моддаси номланишига назар солсак, биринчи навбатда сабаблари кўрсатилган, кейин эса, асослари кўрсатилган. Демак, аввало сабаблар кўрсатилиши лозим саналади, кейин эса асосларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда ЎзР ЖПК 270-моддасида жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларга таҳаллус бериш тўғрисида гап ҳам кетмаган. Бундан ташқари, мазкур кодекс моддасида ва қонунда²⁴ бошқа шахслар деганда кимни тушуниш лозимлиги кўрсатилмаган. Шунингдек, ушбу қонуннинг матнида келтирилган “таҳдид” ва “маълумот” сўзларининг тушунчаларига жиноят процессуал қонунида изоҳ ҳам берилмаган. Зеро, турли манбаларда бу сўзнинг маъноси турлича талқин қилинади. Қайд этиш жоизки, жиноят процессуал қонунчиликда маълумотларнинг манбаси ҳам қонунда аниқ белгилаб қўйилмаган. Шунингдек, бундай маълумотлар ишончли, реалликка асосланган, ҳақиқатга мос келадиган ва ёлғондан йироқ бўлиши лозим. Албатта, хавфсизлик чораларини қўллашга ваколатли

²³ Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие / Автор-составитель к.ю.н. У.А. Тухташева. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2007. – 513 с. С. 21.

²⁴ “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. 14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон.



шахс “ҳар қандай маълумотга” таяниб хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин эмас. Таҳдид тўғрисида келиб тушадиган маълумотлар тегишли ваколатли орган томонидан ўрнатилган тартибда жиноят процессуал қонунчилиги ва бошқа восита ҳамда усуллар орқали текширилиши лозим.

Жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилишда ҳар қандай хатолик ёки нотўғри ҳисоб-китоблар, нафақат жиноят ишида иштирок этаётган шахслар, балки ушбу жиноят ишини юритаётган органга хавф туғдириши ва натижада оғир оқибатларга олиб келиши ва жиддий зарар етказиши мумкин.

Жиноят таҳдиди ҳақидаги маълумот манбаси қонунчиликда кўрсатилмаган бўлсада, юқорида келтириб ўтилган моддалардан иқтибосларга таянадиган бўлсак, умумий тарзда жиноят процессида маълумот манбасининг бир нечта асослари мавжуд: 1) *жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларнинг тегишли илтимосномалари* (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон); 2) *белгиланган тартибда иш учун аҳамиятли маълумотлар, телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали суҳбатларни эшитиб туриш ва қайд этиш натижаларини ўз ичига олган ҳужжатлар* (ЖПКнинг 169-моддаси); 3) *терговга қадар текширувни амалга ошираётган органларнинг жиноят иши бўйича маъсул бўлган шахсга келиши мумкин бўлган хабар* (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон); 4) *ва бошқа мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган жиноят иши материаллар мавжуд ахборотлар* (масалан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг иш ва яшаш жойидан тавсифнома).

Шундай қилиб, қонун жиноят процесси иштирокчиларига ҳамда уларнинг оила аъзолари ёки қариндошларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос сифатида жиноят иши бўйича тегишли процессуал қарор қабул қилиш учун ваколатли шахсда етарли бўлган, тегишли ва ишончли манбадан олинган маълумотлар бўлиши лозимлигини белгилади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари нафақат ЖПК асосида, балки процессуал бўлмаган, масалан тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.



Демак, жиноят процесси иштирокчиларига таҳдид реал бўлиши, нафақат гувоҳ, жабрланувчи ва судланувчилар томонидан олинган маълумотлар асосида, балки хавфсизлик чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилаётган шахс томонидан олинган маълумотлар асосида ҳам амалга оширилиши лозим.

Таҳдид сабабини аниқлаш бевосита, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёхуд мазкур масала юклатилган тегишли ваколатли органи томонидан амалга оширилиши лозим. Реал таҳдид аниқланган тақдирда, ваколатли орган (мансабдор шахс) хавфсизлик чораларини қўлланилишини кечиктирмасдан бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш керак.

Ушбу масалада олиб борилган ижтимоий сўровлар ҳам деярли қайд этиб ўтилган фикрларни тасдиқлайди. Чунончи, сўровга жалб этилган мутахассисларнинг 67,2% хавфсизлик чораларини қўллаш учун таҳдидларнинг реаллиги зарур деган фикрни билдирганлар. 24,5% респондентлар эса, ариза ва ҳабар берувчиларнинг аризалари асос бўлиши етарли деган хулосага келганлар. 8,3% вазиятни жиноят ишини юритаётган шахслар томонидан хавфсизлик чоралари мутахассислар томонидан баҳолаш муҳим деб ҳисоблаганлар (диссертация ишининг 2-иловасига қаранг).

Ҳуқуқшунос-мутахассис Н.Гусев жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш асосини икки турга бўлади: фактик ва юридик²⁵. Фактик асос сифатида одатда шахсга ва унинг яқин қариндошларига нисбатан реал таҳдид кўрсатувчи фактик маълумотлар (етарли маълумотлар) мавжудлиги тушунилади. Юридик асослар деганда ваколатли мансабдор шахснинг тегишли қарори мавжудлиги тушунилади.

Бу борадаги назарий муаммо жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатувчи миллий ҳуқуқшунос олимларнинг эътиборига ҳам тушганди. Уларнинг фикрича, ҳимоя қилинаётган шахслар хавфсизлигини таъминлаш чоралари фақат тегишли асослар мавжуд бўлгандагина қўллаш мумкинлиги, бундай асос сифатида шахсга ва унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш,

²⁵ Гусева Н.Н. Процессуальное обеспечение безопасности лица, заключившего досудебное соглашение о сотрудничестве: дис. ... канд. юрид. наук. Москва, 2018. С. 85–86.



мол-мулкани йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаёпти дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ваколатли шахслар томонидан бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкани муҳофаза қилиниши лозимлиги айтиб ўтилган²⁶.

“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси номланиши ва мазмунида хавфсизлик чораларини қўллаш асослари келтирилган, аммо давлат томонидан ҳимоя қилиш чораларини қўллаш сабаблари кўрсатилмаган. Шу боис, мазкур моддада давлат томонидан ҳимоя қилиш чораларини қўллаш сабаблари кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, 1) *жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг аризалари*; 2) *терговга қадар иш юритувчи орган, дастлабки тергов мансабдор шахси ёки жазони ижро этиш муассасаси, ташилот раҳбари, тегишли орган раҳбари судга ёзма мурожаат қилганда*; 3) *шахснинг хавфсизлигини таъминлайдиган орган тезкор ва бошқа маълумотлар олган тақдирда ҳимоя қилишга сабаб бўлади*. Айтиш жоизки, бундай маълумотларни тезкор восита ва йўллар орқали олиш мумкин.

Юқоридаги билдирилган фикрларнинг аслига мувофиқ талқин қиладиган бўлсак, хавфсизлик чораларини қўллаш фақат жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларига таҳдид бўлганда ёки қисман бўлган тақдирда юзага келишига эътибор қаратилган.

Россиялик таниқли адвокат, ҳуқуқшунос М.В.Новиков, ўз тадқиқотларида таҳдидларни қуйидаги турларга бўлади: реал, воқеликда реал мавжуд бўлганда ва шунга мос равишда идрок этилганда ва хаёлий тасаввурда мавжуд бўлганда. Фикрини давом эттириб, реал таҳдидлар кўпинча яширин тарзда амалга оширилади, улар бевосита объектга мурожаат қилмайди ва ҳаракатларда ўзини намоён қилмайди²⁷. Таҳдиднинг реаллиги унинг амалга ошишидан хавфсираш учун етарли асослар

²⁶ Jinoyat-protsexual huquqi [Matn]: darslik. - Toshkent: Complex Print, 2020. – 319-326 b.

²⁷ Новикова М.В. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2006. С. 155-157.



мавжудлигидадир. Бундан келиб чиқадики, агар таҳдидни зарарсизлантириш ёки ундан ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай чора кўрилмаса, реал таҳдид амалга оширилган таҳдидга айланиши мумкин²⁸.

Албатта, хавфсизлик чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорини қабул учун, асослантирилганлиги муҳим ҳамда таҳдид объекти ва субъекти томонидан тўғри баҳоланиши керак. Давлат томонидан ҳимоя чораларини қўллаш учун асос бўлиши мумкин бўлган таҳдидда, ишнинг барча ҳолатларини (жабрланувчи билан айбланувчи ўртасидаги муносабатларнинг табиати, ишнинг хавфлилик даражаси, таҳдид қилаётган кимсанинг шахси, таҳдиднинг сабаби, жиддий зарар етказиш мумкин бўлган омилнинг мавжудлиги) инобатга олиниши керак. Амалиётда, айрим ҳолатларда айбланувчи томонидан таҳдид жиноят процесси иштирокчисида кўрқув, ваҳима, ноқулайлик ҳиссини уйғотиш ва масалан, кўрсатмани ўзгартиришга мойил қилиш мақсадида унинг иродасига босим ўтказиш воситаси сифатида қўлланилган бўлса, у ҳолда таҳдид реал деб баҳоланиши керак (ҳатто у таҳдид қилган шахс таҳдидни амалга оширилмоқчи бўлмасдан, таҳдидни қабул қилувчини кўрқитган бўлса ҳам)²⁹.

Россиялик ҳуқуқшунос-мутахассис О.И.Коростилевнинг фикрича, жиноят процесси иштирокчиларини кўрқитиш ёки бирон-бир ҳаракатга мажбурлаш таҳдидни юзага келганлигига далолат беради. Бироқ, айрим жабрланувчилар, гувоҳлар кўрқувни ҳис қилмаслиги ёхуд бу таҳдидни хавфли эканлигини англаб етмаслиги ҳам мумкин, аммо бу ижтимоий хавфни истисно этмайди. Муаллиф фикри давомида таҳдид учун жазоланиш имконияти аллақачон юзага келганлиги, бунда шахсга маънавий зарар келтирадиган оқибатлар эҳтимоли билан боғлиқлигини таъкидлайди³⁰.

Ҳуқуқшунос-мутахассис И.М.Ибрагимов, юқоридаги процессуалист олимларнинг фикрига кўшилган ҳолда, ҳақли равишда қўшимча қилиб, унинг

²⁸ Саморока В., Бекетов М. Принятие следователем решения о применении мер безопасности в отношении участников уголовного судопроизводства // Уголовное право. 2011. № 1. С. 72–77 // СПС КонсультантПлюс.

²⁹ Бекетов М., Саморока В. Поводы и основания принятия решения о применении мер безопасности // Уголовное право. 2016. № 3. С. 106.

³⁰ Коростылев О. И. Уголовно-правовая характеристика угрозы. — Ставрополь: СФ КА МВД России, 2015. — С. 97.



ёзишича, ғайрихукуқий тажовуз нафақат тажовуз объектнинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулкига, балки унинг шаъни ва кадр-қимматига ҳам қаратилган бўлиши мумкин³¹.

Шу муносабат билан давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги чораларни қўллаш масаласининг мазмун-моҳиятида аввало жиноят процесси иштирокчиларига (оила аъзолари ва яқин қариндошлари, мол-мулкига) жисмоний ёки руҳий куч ишлатишдан ҳимоя қилиш ўрин олади. Зарур ҳолларда, бунинг учун унга шахсий ҳимоя воситалари берилиши, ва ҳатто унинг ташқи кўриниши жарроҳлик аралашуви ёрдамида ўзгартирилиши даражасигача олиб борилиши мумкин.

Мазкур масалага Европа Кенгашига аъзо давлатлар Вазирлар кўмитасининг "Гувоҳларни кўрқитишда ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлаш масаласи тўғрисида"ги № R (97)13-сонли тавсиясига оид англашув меморандумида эътибор қаратилади³². Унда ёзилишича, гувоҳларга таҳдид фақат жиноий таъқиб қилинаётган шахснинг уюшган жиноий гуруҳга мансублиги туфайли ҳам хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлиши мумкиндир.

Демак, юқоридагиларга кўра, жиноят иши бўйича реал таҳдиднинг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотларнинг борлиги, жиноят процесси иштирокчиларига хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биз юқорида ЖПК 270-моддаси ва қонунни³³ таҳлил қилиш жараёнида бошқа шахслар деганда кимни тушуниш лозимлиги деган, саволни кўтарган эдик. Бизнинг фикримизча, жиноят процессуал қонунчилик бошқа шахслар деганда, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчини (эксперт, мутахассис, оқланган шахс, маҳкум, холис, таржимон, фуқаровий даъвогар, жавобгар, жамоат айбловчиси, ҳимоячиси, уларнинг вакиллари) тушуниш лозим.

³¹ Ибрагимов И. М. Правомерные возможности защиты прав потерпевшего в Российском уголовном процессе. – М., 2008. – С. 165.

³² Recommendation no. r (97) 13 «Of the committee of ministers to member states concerning intimidation of witnesses and the rights of the defence» (adopted by the committee of ministers on 10 september 1997 at the 600th meeting of the ministers' deputies).

³³ "Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎЗР Қонуни. 14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон.